

келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охирада ҳам собит сўз ила собитқадам қилур», деганидир» (Иброҳим сураси, 27-оят), дедилар».

Шарҳ: «Қачон мўмин қабрида ўтирғизилса» – бу иш у дафн қилиниб, устига тупроқ тортилганидан кейин бўлади. Уни қабрида ўтирғизиб, сўроқ қилиш бошланади.

«**Унга келинади**», яъни унинг олдига сўроқ қилиниши учун келинади. Бу ишни бажаргани Мункар ва Накир исмли иккита қорамтир кўк рангдаги фаришталар келадилар. Уларнинг кўриниши фариштага ҳам, одамга ҳам ўхшамайди. Савол-жавоб қандай бўлиши келгуси ҳадисда баён қилинади. Мўмин-мусулмон киши иймони ва солиҳ амаллари туфайли калимаи шаҳодатни айтишга муяссар бўлади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ҳам хабар берган экан.

Аллоҳ таоло бизларни ҳам ана шундай собит калима эгаси бўлган бандаларидан қилсин.

نَع ، هُنَّ عُلَّالُ اِيضَرٍ سَنَأُ نَع
هَيَلَعُ هَلَّالِ اِيْلَصِي بَّنَلِ ا
اِذَا ذَبَعُ لَانِ اِلَاقَ مَلَسَو
هُنَّ عِيْلَوَتَوِ هِرْبَقِ اِيْفَعَضُو
عَرَقُ عَمَسَيَلُ هُنَّ اُو هُبَاخِ صَا
نَاكَلَمُ هَاتَا ، مِهَلَا عِن
اَم : نَا لُوْقِي اِيْفِ هِنَا دِعُ قِي اِيْفِ
- اِلْجُرْلَا اِذَه اِيْفِ لُوْقَتَا تَنْك

هَيْلَعُ هَلْ لَّا يَلَّصِ دَمَّ حُمْلٍ
نَمْؤُمُ لَّا أُمَّ أَفْ ، - مَلَّسَ و
هَلْ لَّا ذُبَعُ هَنَّأُ دَهْشَأُ ؛ لُوقِي يَفِ
رُظْنَا ؛ هَلْ لُاقِي يَفِ ، هَلْ وُسَرَو
دَقِ ، رَانْ لَّا نَمْ كَدَعُ قَمِ يَلَّا
نَمْ أَدَعُ قَمِ هِبُ هَلْ لَّا كَلْ ذُبَأُ
أُمَّ أَوْ ، أَعِي مَجِ أُمَّ هَارِي يَفِ ، هَنَّجُ لَّا
لُاقِي يَفِ قُفِ أَنْ مَلَّا وَا رَفِ الْكُلَّا
أَذِهِ يَفِ لُوقَتِ تَنْ كِ أُمَّ ؛ هَلْ
يَرْدَأُ أَلْ ؛ لُوقِي يَفِ ؛ لُجْرُ لَّا
سَانْ لَّا لُوقِي أُمَّ لُوقَأُ تَنْ كِ
أَلْ وَتُيَرْدُ أَلْ ؛ لُاقِي يَفِ
نَمْ قَرَا طَمِبُ بَرْضُي وَ ، تَيْ لَتِ

حَيِّصَيِّفٌ، عَبْرَضِ دِي دَح هَيْلَي نَمَاهُ غَمْسَيَّ عَحْيَي ص أُمُّهُ أَوْرِي نَيْلَقِثَلَا زِي غ عَسَمَخَلَا

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, банда қачон қабрига қўйилса-ю, ундан соҳиблари қайтиб кетса, у уларнинг кавушларининг тақиллаганини эшитиб турганида олдига икки фаришта келиб, уни ўтирғизишади ва:

«Бу одам - Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида нима дер эдинг?» дейишади. Мўмин бўлса:

«Шаҳодат бераманки, албатта, у Аллоҳнинг бандаси ва Расулидир», дейди.

Унга: «Дўзахдаги ўрнингга назар сол, батаҳқиқ, Аллоҳ сенга уни жаннатдаги ўринга алмаштириб берди», дейилади. У икковини ҳам кўради.

Кофир ёки мунофиққа эса:

«Бу одам ҳақида нима дер эдинг?» дейилади.

«Билмадим, одамлар айтадиган нарсани айтар эдим», дейди. Бас, унга:

«Билмадинг ҳам, (билганларга) эргашмадинг ҳам», дейилади ва темирдан бўлган гурзи билан бир урилади. Ўшанда у шунақанги қичқирадики, инсу жиндан бошқа ҳамма эшитади», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисда Аҳли Сунна вал жамоа ақийдаси бўйича Қуръон ва суннат билан собит бўлган ақийдавий масала - қабр саволи ва азоби ҳақ эканлиги ва унинг қай йўсинда бўлиши ҳақида сўз бормоқда. Бу ҳадисни диққат билан ўрганишимиз ва ундаги ҳар бир масалани ақийда маъносида сингдириб олишимиз ҳамда ҳар лаҳзада ундаги ҳолатни эслаб туришимиз лозим.

Ўлмайдиган ким бор? Ҳамма ҳам ўлади. Ўлим ҳар банданинг бошида бор.

Ўлим нима?

Инсон ўлганидан кейин нима бўлади?

Унинг ҳоли не кечади?

Ўлим кишининг юраги уришдан тўхтаб, қон айланмай, қимирламай қолишидан иборат холосми?

Ёки бошқа нарсалар ҳам борми?

Инсон ўлганидан кейин ҳамма иш битадимми?

Қабрида чириб, тупроққа қўшилиб кетаверадими?

Ундай бўлса, уни бошқа ҳайвонлар, қурт-қумурсқалардан нима фарқи бор?

Ёки инсон бу дунёда турли ҳайвон ва қурту қумурсқалардан фарқли бўлиб, ақл билан яшаганлиги учун ўлганидан кейин ҳам унга бошқача, инсонга тўғри келадиган муносабат бўлиши керакми?

Ислон ақийдаси бўйича, бу дунё инсон учун синов майдони, холос. Асосий ҳаёт диёрига ўтишдан олдин имтиҳон топшириб, у ёқдаги ҳаётга ўзининг нақадар ҳақли эканлигини исбот қилиш фурсати, холос.

Ана ўша боқий дунёдаги мартабаси учун инсон ушбу фоний дунёда ҳаракат қилади.

Ислонда инсоннинг ўлиши – бу дунёдан у дунёга ўтгани, фоний дунёдан боқий дунёга кўчиши, холос.

Янги, боқий дунёда уни фаришталар кутиб олиб, ўз ўрнига жойлаштирадилар. Қандай жойга муносиб эканлигини ўзига билдириш учун сўроқ-савол қиладилар, қўлидаги номаи аъмолини кўрадилар. Сўнг унга жой кўрсатадилар. Ана шу ишлар қабрдан бошланади. Ушбу биз ўрганаётган ҳадиси шарифда айнан қабрда нималар кечиши ҳақида сўз кетмоқда. Келинг, бир-бир ўрганиб чиқайлик:

1. Қабрдаги янги кўмилган киши ўзини кўмиб кетаётган одамларнинг оёқ товушларини эшитиши. Бу ҳақиқат ҳозирги замон илми орқали ҳам тасдиқланди.
2. Қабр саволининг кўмиб, қайтаётган кишилар қабрдан узоқлашмай турибоқ бошланиши.
3. Қабр саволининг икки фаришта томонидан олиб борилиши.
4. Қабрдаги кишини ўтирғизиб олиб, сўроқ қилиниши.
5. Бериладиган саволлардан бири Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида бўлиши.
6. Бу дунёда мўмин-мусулмон бўлиб, иймони ва амали жойида бўлган киши қабр саволи вақтида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларидаги саволга дадил ва аниқ жавоб бериши.
7. Мўмин-мусулмон кишининг дадил ва аниқ жавобидан кейин ҳалиги икки фаришта агар у мўмин-мусулмон бўлмаганида, дўзахдаги унинг жойи

қайси бўлишини кўрсатиши.

Сўнгра мўмин-мусулмонлиги туфайли унга жаннатдан бериладиган жойни кўрсатишлари.

Аллоҳ барчамизни ана ўшандай бахтли кишилардан қилсин.

8. Кофир ва мунофиқлар ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида сўроқ қилинишлари. «У дунёда бу одам ҳақида нима дер эдинг?» деб сўралиши.

9. Кофир «Билмасам», деб жавоб бериши.

Тилида мусулмонман, деб юрган одам эса «Одамлар нима деса, ўшани айтар эдим», дейиши.

Демак, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида одамлар нима деса, ўшани айтиб юриш кифоя қилмас экан. Кишининг қалбида у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида мустаҳкам эътиқод бўлиши, зоти шарифларини аниқ билиш лозим экан.

10. Кофир ва мунофиқ саволга жавоб бера олмаганидан кейин унга қаттиқ сўз айтилиб, бошига темир гурзи билан уриб, азоб бериш бошланиши.

Қабр азоби мана шу бўлади. Қабр азобининг баёнотлари бошқа ҳадисларда ҳам келади.

11. Қабрида темир гурзидан калтак еган кофир ва мунофиқнинг дод-войини одам ва жинлардан бошқа ҳамма мавжудот эшитиши.

Бу дунё ҳаётида ушбу нарсаларга тўлиқ иймон келтириб, қабрга кирганда яхши ҳолда бўлишга лойиқ ишларни қилишга ўтиш лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди